14 0696

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

6 июнь, пайшанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 112-113 (1366)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РУМИНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***БУХАРЕСТ, 5 июнь. (ЎзА махсус мухбири Ўктам Мирзаёр хабар қилади).***

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Ион Илиеску таклифига биноан расмий ташриф билан Руминияга келди.

Бугун Ислом Каримовни «Котрочени» саройида Руминия Президенти Ион Илиеску юксак эҳтиром билан қарши олди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган сарой майдонида олий даражадаги меҳмонни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Руминия давлатлари мадҳиялари янгради.

Президентлар меҳмонлар шарафига саф тортган ҳарбийларга ҳурмат бажо келтиргач, сарой залларидан бирида тор доирада музокара ўтказдилар.

«Котрочени» саройи мажлислар залида Ўзбекистон ва Руминия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар ниҳоялагач, республикамиз Президенти Бухарестдаги Номаълум аскар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Руминия ташқи ишлар вазири Т. Мелешкану ҳамроҳлигида халқаро савдо марказини бориб кўрди.

Савдо марказида асосан Руминия саноат корхоналарининг экспорт маҳсулотлари намойиш этилади. Хусусий корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари учун мўлжалланган транспорт, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотлари, замонавий талаблар даражасида катта унум билан ишлайдиган енгил саноат дастгоҳлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон раҳбари халқаро савдо маркази мажлислар залида Руминия ишбилармонлар доиралари вакиллари билан учрашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзига ажратилган қароргоҳда Руминия Бош вазири Н. Вэкероюни қабул қилди.

Руминия Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирди.

Юртбошимизнинг Руминияга ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

• *Бизнинг шарҳ*

## ҲАММА НАРСАНИНГ ЎЗ НОМИ БОР

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори миллий ғурурни мустаҳкамлайдиган, янгича фикрлашга ва яшашга ундовчи яна бир муҳим ҳужжатдир.**

***Яқинда матбуотда эълон қилинган ушбу қарор айни вақтида қабул қилинди. Унда халқимизнинг дилидаги истаклар ўрин олган.***

Юртимиз мустақиллигига 5 йил тўлишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муддат ичида айримлар яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан етарли хулоса чиқариб олишга улгурмаган кўринади. Ҳамон баъзи жойларда маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номлари эскичалигича қолиб кетмоқда. Эски тузум ва қизил мафкурага хизмат қиладиган, ўзбек халқи тарихи ва анъаналарига бегона бўлган номлар аллақачон ўзгартирилиши керак эди. Аммо айрим жойларда мустақиллик буюк неъматлигини етарли англамаслик, унинг мазмун-моҳиятини тушунмаслик рўй бермоқда, баъзан эса лоқайдлик ва бепарволик қилиняпти. Бизга маълумки, мустақилликка эришган кунларимиздан бошлабоқ ҳокимликлар қошида топонимия комиссиялари тузилган эди. Афсуски улар етарли даражада фаолият кўрсатмадилар. Оқибатда эски номлар кишиларни мустақиллик ғояларидан чалғитишга сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа вақт ичида дунёга танилди. Ўзининг мустақил йўлини танлаб олди. Барча соҳаларда юксалишлар, ўзгаришлар юз бермоқда. Халқимиз фаровон турмуш сари илдам одимлаяпти. Ана шундай пайтда жойлардаги топонимик объектларнинг эскича номланиши бугунги ҳаёт талабларига зиддир. Аҳоли пунктларининг қизил номлари, ташкилотлар пештоқларидаги эски ёзувлар, эски тузумнинг унсурларини эсга солади. Орамиздаги баъзи хаёлпарастлар, эътиқоди заиф, иймони суст кишилар эса бундан бошқача хулоса чиқариши мумкин.

Президентимиз барча йиғинларда биз учун бошқа йўл йўқлигини, ана шу танланган йўлдан қатъий боришимизни, ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши туришимизни қатъий таъкидлайди. Бунда топонимик объектлар номларини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Юқорида биз тилга олиб ўтган қарор бу борадаги камчиликларни тугатишга хизмат қилади. Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг таркиби ва ушбу комиссия тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Энди топонимик объектлар номларини ўзгартириш ва тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан комиссиянинг янги таркиби шуғулланади. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари эса маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар, корхоналар, кўчалар, майдонлар, хиёбонларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масъулиятини шахсан ўз зиммаларига оладилар. Топонимик комиссиялар ишини фаоллаштириш, объектлар номлари халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига боғлиқ бўлишини таъминлаш мақсадида тарихчилар, тилшунослар, ҳуқуқшунослар, маҳаллий бошқарув идоралари вакиллари ҳам комиссиялар таркибида иш кўришади. Бу эса объектлар номларини ўзгартиришда ва уларга янги ном беришда тарихий, миллий, маҳаллий ва табиий шароитлар ҳисобга олинишини таъминлайди.

Ушбу қарор Ватан учун қайғурадиган, дилида юртига меҳр-муҳаббати жўш урган, миллий ғурури мустаҳкам ҳар бир кишини қувонтирди. Шунинг билан бирга ҳар биримизга катта масъулият ҳам юклади. Унинг ижроси Ўзбекистонимиз ўз йўлида собитлигини яна бир бор намоён этади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

***5 июнь куни Самарқандда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.***

Йиғилишда улуғ бобокалонимиз юбилейи муносабати билан шаҳардаги тарихий обидаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қандай бажарилаётгани муҳокама этилди. Амир Темур майдони, Гўри Амир мақбараси, Бибихоним масжиди, Регистон майдони ва у ердаги ёдгорликлар, Шоҳизинда мажмуи каби обидаларни таъмирлашда кенг миқёсда иш олиб борилаётгани қайд этилди. Республика маданият ишлари вазири ўринбосари Б. Абдураҳимов, «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни раиси А. Ибобеков, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ва бошқалар юбилейга тайёргарлик ишлари юзасидан ахборот бердилар. Йиғилишда бу борада ҳамма иш кўнгилдагидек бажарилмаётгани, жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига бу ҳақда аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

**(ЎзА).**

• *Бугуннинг гапи*

## «КЕЙС» ЗЎРМИ, «ЕНИСЕЙ?»

**«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитасининг эҳтиёт қисмлар Бош бошқармаси бошлиғи Баҳриддин Исмоилов билан мулоқот.**

**Ўтган йили АҚШнинг «Кейс» фирмасидан келтирилган 15 та комбайн Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ғаллазорларида, биттаси эса Тошкент вилояти шолипояларида синаб кўрилди. Айтингчи, синов натижалари нимани кўрсатди?**

— Буни синов эмас, мусобақа деса ҳам бўлади. Чунки «Кейс», «Енисей», «Нива», Германиянинг «МДВ» комбайнлари вилоятларнинг шароитлари турлича бўлган майдонларида куч синашдилар. «Кейс» ўзининг барча техник кўрсаткичлари билан бошқалардан тубдан фарқ қилди. Масалан, «Енисей» бир кунда ўрта ҳисобда 8-10 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчган бўлса, «Кейс» 37-44 гектар ердаги ҳосилни саранжомлаб берди. «МДВ» эса 26-27 гектар майдондаги ғаллани ўришга улгурди. Мавсумда «Кейс» бор-йўғи 1-1,5 фоиз ҳосилни «тўкиб-сочган» бўлса, «Енисей» ўн фоизгача ғаллани нобуд қилди. Бундан ташқари, «Енисей» мавсумда 28 тонна ёнилғи сарфлагани ҳолда, «Кейс» учун бор-йўғи 8,4 тонна ёнилғи кифоя қилди. Натижада, ҳар бир комбайндан 219 минг 920 сўмлик ёнилғи тежаб қолинди. Яна шуниси ҳам борки, «Енисей»ни 8 йил, «Кейс»ни эса 13 йил ишлатиш мумкин.

Хуллас, синов даврида «Енисей» 56 минг 285 сўм фойда келтирди. «Кейс» — 502 минг 245 сўм. Шундай қилиб, ўртадаги фарқ 445 минг сўмдан ошди. Бу жуда катта кўрсаткич. Шу сабабли бу йил ҳукуматимиз ёрдами билан 300 та АҚШ комбайнларини сотиб олишга қарор қилинди. Ҳозирги кунгача 150 дан кўпроғи етиб келди.

**— Республикамизда бу йил етиштирилаётган ҳамма ғаллани ўз вақтида ўриб-янчиб олиш учун ўзимизда мавжуд бўлган ва АҚШдан келтирилаётган комбайнлар етарли бўлади, дейиш мумкинми?**

— Агар республикамизда ғалла майдонлари анча кенгайганини ҳисобга олсак, етарли эмас. Чунки эски комбайнларнинг асосий қисми ўз умрини яшаб бўлган. Лекин мавжудларидан унумли фойдалана олсак, ғаллани қисқа муддатда ўриб-янчишнинг уддасидан чиқиш мумкин. АҚШда ўрим пайтида ҳар бир машинадан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинар экан. Буни бир фермер гапириб берган эди. Унинг битта комбайни бўлиб, ғалла майдони анчагина экан, аммо шунга қарамасдан у ўзининг ғалласини йиғиштириб олгач, қўшниларга ҳам ёрдам беришга улгурар экан.

**— Умрини яшаб бўлган эски комбайнларга кўплаб эҳтиёт қисмлар керак бўлади. Қолаверса, «Кейс»лар ҳам бир кун эмас, бир кун таъмирталаб бўлиб қолади. Қўмитада бу муаммолар ҳам ҳисобга олинаяптими?**

— Эҳтиёт қисмлар бўйича муаммоларимиз йўқ эмас. Масалан, комбайнларнинг шина ва корбюратори етишмайди. Улар ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Аммо биз қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Энг зарур эҳтиёт қисмларни ўзимизда ишлаб чиқариш ёки таъмирлашга ҳаракат қилинаяпти. Комбайн ўроғини ишлаб чиқариш, моторларини таъмирлаш имкониятлари бор. Чунончи, бугунги кунда 28 та йирик заводларимизда 3 минг турга яқин эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, ўтган йили четдан кўплаб эҳтиёт қисмлар олиб келинди.

Энди АҚШдан келтирилаётган комбайнларга келсак, «Кейс» машиналари уч йилгача етадиган эҳтиёт қисм ва мойлаш ашёлари билан юборилмоқда. Шунингдек, «Кейс»нинг баъзи қисмларини юқоридаги заводларимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Ҳозир ҳамма фермер ёки хўжаликлар ҳам ўзига зарур бўлган техникани сотиб олиш қурбига эга эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда қўмитамиз мутахассислари жойларда машина-трактор саройларини ташкил қилиб, фермер ва хўжаликларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда. Айни чоғда 30 дан зиёд ана шундай саройлар ишлаб турибди. Ўтган йили улар хўжаликларга 500 миллион сўмлик хизмат кўрсатишди.

Яқин келажакда «Ўзқишлоқмашхолдинг» компаниясининг Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида «Кейс» фирмаси билан пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этилиши мўлжалланмоқда. Кейинчалик у кенгайтирилиб, бу ерда ғалла комбайнлари ҳам ишлаб чиқарилса, ажаб эмас.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ғулом ЮСУПОВ**
**суҳбатлашди.**

## БИР ДАЛАДАН ИККИ ҲОСИЛ

***Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалигининг Қодир Оллоберганов бошлиқ бригадасида бу йил илк марта буғдой ўриб олинган ерларга шоли кўчати экилади.***

Шу боис хўжаликда 4 гектар майдонда «Авангард» навли шоли кўчати парваришланмоқда. Улар июнь ойи ўрталарида қирқ гектар майдонга кўчириб ўтқазилади. Бу эса ҳар гектаридан камида 50 центнер қўшимча ҳосил олиш имконини беради. Бу йил Хоразм вилоятида юз гектар майдонда ана шундай тажриба ўтказилади.

***Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ва республика Театр арбоблари уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказган болалар спектакллари кўрик-танлови ниҳоясига етди.***

***Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг «Чандунинг саргузашти» спектакли биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди.***

## ЯНГИЛИКЛАР

*Кеча, бугун, эртага*

**«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар**



***«Дўстликдон» ҳиссадорлик жамиятида айни кунда 540 нафар ишчи кунига 180 тоннадан ошириб биринчи навли ун тайёрлаб савдо тармоқларига жўнатишаяпти. Жамиятнинг ёрдамчи хўжалигида юз бош қора мол боқилмоқда. Колбаса тайёрлаш цехи эса корхона ишчиларини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Таътилга чиққан ишчиларга республикадаги санатория ва дам олиш уйларига корхона ҳисобидан бепул йўлланмалар берилаяпти.***

***СУРАТДА: (чапдан) смена мастери Ф. Назаров, бош муҳандис М. Ғозиев ва ишчи Ж. Саидов.***

***Б. Тўраев олган сурат.***

## САНЪАТ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

***Тошкентдаги Мирзо Улуғбек боғида «Соғлом авлод учун» анъанавий болалар санъат ва спорт байрами бўлди.***

Бу хайрли тадбир Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилди. Байрамда боғча тарбияланувчилари ўртасида мусобақа ўтказилди. Унда шаҳар туманларининг ғолиблари иштирок этди. Мирзо Улуғбек туманидаги 382-болалар боғчаси мусобақа ғолиби бўлди.

***Шуманай туманида сув муаммоси ҳал бўлди. Бунга «Шуманай» каналида поёв иншоот — сув тақсимлагич қуриб фойдаланишга топширилгани туфайли эришилди. Эндиликда бу ердаги 10 минг гектар ер сув билан тўла-тўкис таъминланади. Шу мақсадда «Қорақалпоқсувқурилиш» бирлашмаси бўлинмалари ўн миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажариб берди.***

***Қува дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти яна маҳсулот бера бошлади. Корхона замонавий андазалар асосида Швейцарияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов сўзга чиқди.***

## ҲИНДИСТОНДА ОЛҚИШЛАНДИ

***Республика қўғирчоқ театри ижодкорлари Ҳиндистоннинг «Компетент» ташкилоти таклифига мувофиқ шу мамлакатга сафар қилди.***

Улар Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси Амир Темур йили муносабати билан ўтказган тадбирларда иштирок этди. Санъаткорлар ўзбек ва инглиз тилларида намойиш этган «Фотиманинг саргузаштлари» спектакли ва концерт дастурлари ҳинд томошабинларида катта таассурот қолдирди.

***Бу йилги болаларнинг дам олиш мавсумида хоразмлик 25 минг ўқувчи оромгоҳларда хордиқ чиқаради. Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, касаба уюшмалари ва турли ташкилот ва хўжаликлар тасарруфидаги барча сўлим гўшалар ўқувчиларни кутмоқда. Улар бу йил уч сменада ишлайди.***

## ИННОВАЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

***Термиз давлат университетида инновация жараёнларини ривожлантириш минтақавий муаммоларига бағишланган семинар бўлди.***

Анжуманда инновация фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илмий-техника ахборотларини тайёрлаш ва тарқатиш, илмий ишлар натижаларини инновация йўли билан халқ хўжалигига татбиқ этиш, вилоятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва хомашё ресурсларидан фойдаланишда инновациянинг ўрни тўғрисида таниқли олим ва амалиётчиларнинг маърузалари тингланди.

Семинарда вилоят ҳокими Ж. Норалиев қатнашди.

## ЁШ БАНКИРЛАР МАКТАБИ

Андижондаги Чўлпон номли 2-гимназияда банк ишлари бўйича мутахассис бўлишни истаган ёшларни ўқишга қабул қилиш бошланди.

Хоҳловчилар саккизинчи синфни тугатган ёшлар орасидан тест синовлари асосида танлаб олинади. Ўқувчилар махсус синфларда математика, инглиз тили, иқтисодиёт, менежмент ва маркетинг асосларини уч йил давомида чуқур ўрганишади. Шунингдек, дастурда вилоят банкларида амалий машғулотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

## ЯНА БИР УЮШМА

***«Ижодкор аёл» — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси таъсис этган яна бир уюшмага ана шундай ном берилди.***

Бу уюшма ижодий фаолият билан шуғулланувчи аёлларни бирлаштиради. Шоиралар ва адибалар, актрисалар ва мусаввирлар, раққосалар ва машшоқлар шу уюшмага аъзо бўлишлари мумкин. Янги жамоат бирлашмаси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Бу республикада хотин-қизларнинг бешинчи уюшмасидир. Ҳозир олима аёлларни бирлаштирган «Олима» уюшмаси, иқтисодчилар ва тадбиркорларнинг «Иқтисодчи ва тадбиркор аёл» уюшмаси, ҳуқуқшуносларнинг «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмаси, фаолияти экология соҳаси билан боғлиқ аёллар учун «Аёл ва экология» уюшмаси ишлаб турибди.

## БАРАКАЛИ БЎЛДИ

Мутахассисларнинг фикрича, бир қути қурт уруғидан 70 килограмм пилла етиштиришнинг деярли иложи йўқ. Бироқ Наманган тумани хўжаликларидаги бир қанча пиллачилик бригадалари шундай натижага эришди. Бу кўрсаткич туман бўйича ўртача 58 килограммни ташкил этди. Қабул пунктларига жами 270 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Пиллачилар давлатга яна 30 тонна пилла топширишни мўлжаллашмоқда.

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,
«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,
«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»,
«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»,

2. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Фахрий унвон бериш ҳамда белгиланган тартибдаги кўкрак нишони ва тегишли ҳужжатни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фахрий унвонларнинг кўкрак нишонлари ва гувоҳномалари тайёрланишини таъминласин.

4. Фахрий унвонлар билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

5. Ўзбекистон Республикасининг аввалги қонун ҳужжатлари асосида фахрий унвонлар билан тақдирланган шахсларнинг мазкур қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва бурчлари сақланиб қолади.

6. Қуйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1983 йил 27 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 16, 246-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1984 йил 9 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган енгил ва пахта тозалаш саноати ходими» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 2, 25-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1984 йил 26 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган социал таъминот ходими» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984 йил, № 12, 184-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1986 йил 5 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган конструктор» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган технолог» фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1986 йил, № 8, 109-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1986 йил 5 мартда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган социал таъминот ходими» фахрий унвони кўкрак нишонининг тасвирини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1986 йил, № 8, 110-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1987 йил 30 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1987 йил, № 4, 17-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1988 йил 29 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари билан тақдирлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1988 йил, № 28, 334-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1988 йил 29 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари системасига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1988 йил, №28, 335-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1989 йил 19 январда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвонлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, №4 — 5, 20-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 30 октябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги Қарор (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил, №31 — 33, 353-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 3 июлда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қоракўлчи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Қарор (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №9, 367-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1992 йил 11 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг «Хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Қарор (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №10, 428-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1992 йил 11 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг «Хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Қарор (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, №10, 429-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 259-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 7 майда қабул қилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги Қарор (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №6, 260-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель.

* * *

***Фахрий унвонлар тўғрисидаги Низом ҳамда Фахрий унвонларнинг кўкрак нишонлари тавсифи Олий Мажлис Ахборотномасида эълон қилинади.***




## НЕФТ ҚУВУРЛАРГА ОҚА БОШЛАЙДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланган «Озиқ-овқат учун нефт» дастури доирасида Ироқ нефти қувурларга оқа бошлади. Қувурлар орқали Ироқ нефти Туркиянинг Ўртаер денгизидаги Сайхон портига етказилади. Бироқ нефт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маслаҳатчилари етиб келмагунга қадар танкерларга юкланмайди.



*АҚШ. Сан-Франциско.*

## НАМОЙИШЧИЛАРНИНГ ПОЛИЦИЯ БИЛАН ТЎҚНАШУВИ

Гонгконгда Пекиннинг Тяньанмэнь майдонида 1989 йил 4 июнида бўлиб ўтган намойишнинг етти йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари ва полициячилар ўртасида кескин тўқнашув бўлди. Намойишчилар Тяньанмэнь майдонида одамларга қарши ўқ узилганлиги хато бўлганлигини ва сиёсий маҳбуслар озод қилинишини талаб қилдилар.

## «САҲРО КЕМАЛАРИ» КАМАЙИБ КЕТМОҚДА

Туялар қадимда «саҳро кемаси» ҳисобланган. Улар саҳроларда ойлаб озуқасиз ва сувсиз юкларни бир манзилдан иккинчи бир жойга етказишган. Аммо улар жуда ҳам ишёқмас ва айёр бўлар эканлар. Ишдан қочиш учун ҳатто ўз-ўзларини ярадор ҳам қилишаркан. Сўнгги пайтда Исроилда ҳам уларнинг сони камайиб кетди. Бундан юз йил муқаддам Исроилда саксон минг бош туя бор эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони уч мингдан ҳам ошмайди. Замонавий автомобиль транспортининг ривожланиши «саҳро кемалари»ни касодга учратди.

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Берлинда НАТОга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европада тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, ҳозирги пайтда дунёда вужудга келган янгича сиёсий вазиятда алянснинг ўрни ва Боснияда тинчлик ўрнатиш шартномаси қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Учрашув қатнашчилари ҳузурида ГФР Федерал канцлери Гельмут Коль нутқ сўзлади. Мазкур анжуманда Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ҳам иштирок этиб, ўз мамлакатининг умумевропа хавфсизлик тизимидаги ўрни ҳақида гапирди.

## ЁСИР АРОФАТНИНГ БУЮК БРИТАНИЯГА ТАШРИФИ

Фаластин раҳбари Ёсир Арофат Лондонга ташриф буюриб, Англия ҳукумати аъзолари ҳамда Бош вазир Жон Мейжор билан учрашди. Музокараларда Исроилда Бош вазир сайловидан кейин вужудга келган янги сиёсий вазиятда Фаластин — Исроил муносабатлари қандай бўлиши муҳокама қилинди. Ёсир Арофат Англия ҳукумати Исроил билан музокараларда Фаластинни қўллаб-қувватлайди, деб умид билдирди.

*• Биротаям танқид натижасиз қолмайди*

# «АЛОҚА БЎЛИМИНИ ЁПИБ ҚЎЙИШДИ»

**(«Халқ сўзи» 1996 йил, 16 апрель)**

***Газетамизда «Хатлардан сатрлар» рукни остида Тўрақўрғон тумани, Қатағон Сарой қишлоқ фуқароси С. Раҳмоновнинг шикояти чоп этилган эди. Ушбу шикоят бўйича қуйидаги жавоб хатини олдик:***

— Мақолада кўрсатилган асосий фактлар тасдиқланди. «Ўзбекистон почтаси» концернининг 1994 йил 1 ноябрдаги 145-сонли буйруғига асосан, кам даромадли бўлимлар қаторида «Катта Курама» бўлими, «Қатағон» алоқа бўлимига бирлаштирилиб, иш ўринлари қисқартирилган.

1996 йил январь ойидан бошлаб «Қатағон» алоқа бўлими бошлиғи М. Деҳқонов томонидан ишлар бўшаштириб юборилганлиги аниқланган. Унга нисбатан маъмурий чора кўрилиб, ойлик маошидан 20 фоиз жарима ундирилди. Почтальон А. Овчиев ўз вазифасидан четлаштирилди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйиб, назоратни сусайтириб юборгани учун Тўрақўрғон почта алоқа боғламасининг бошлиғи Г. Акбаров 1996 йил 1-чорак мукофот пулидан маҳрум этилди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда нафақахўрларга тўланадиган пенсиялар почта алоқаси ходимларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижтимоий таъминот бўлинмалари томонидан белгиланган муддатлардан кечиктириб тўлаш ҳоллари юз бермоқда. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун концерн раҳбарияти томонидан керакли чора-тадбирлар кўрилаяпти.

Вилоятда нафақахўрларга пенсия пулларини ўз вақтида тўлиқ тўлашни ташкил этиш Наманган Давлат почта алоқа корхонаси раҳбарияти томонидан назоратга олинган.

**Р. ЗИКИРОВ,**
**«Ўзбекистон почтаси» концернининг раиси.**





# ПАРВАРИШ АВЖИДА

***Сирдарё туманидаги И. Каримов номли жамоа хўжалиги миришкорлари бу йил 737 гектар майдондаги ғўзаларни парвариш қилишаяпти. А. Сулаймонов етакчилик қилаётган 3-бригада деҳқонлари ҳам айни кунларда ғўзаларни озиқлантириш, суғориш сингари тадбирларни бажаришаяпти.***

***СУРАТДА: (чапдан) А. Сулаймонов ва ҳосилот Ш. Хайриддинов; ғўзаларга ишлов бериш пайти.***

**Н. Алмуродов олган суратлар.**



# Хатлардан сатрлар

## ЯНГИЛИК УЛАШУВЧИ АМАКИ

Ғани Пўлатов 1943 йилда урушдан оғир ярадор бўлиб қайтди. Ўша йиллари ҳозирги «Тинчлик» жамоа хўжалигида раис бўлиб ишлаган М. Мусаев уни идорага чақириб, «ука ўзинг биласан, ҳозир уруш кетаяпти. Колхозимизда эркаклар кам. Фронт ва бошқа жойлардан келаётган хат-хабарларни халққа етказиб турсанг, бизга анча ёрдам бўларди. Ногиронсан, шунинг учун, агар хўп десанг, битта от берамиз», деди. Ғани ака бу таклифга рози бўлиб, ишни қабул қилади.

Мана 54 йилдирки, у хат-хабар дейсизми, газета ва журналлар, кексаларнинг нафақалари дейсизми, хўжалик аҳлига тарқатиб келмоқда.

У кишини каттаю кичик бирдек ҳурмат қилади. Ғани акани кўришганда болалар «ана, янгилик улашувчи амаки келаяпти», дейишади. Тиниб-тинчимас отахон ҳамон эл хизматида. Ғани Пўлатов икки марта Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи, Меҳнат қизил байроқ ордени ва бир неча медаллар нишондоридир.

**Эркин МАЪДИЕВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Янгийўл тумани.**

## 24 ЙИЛДИРКИ, ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЯПТИ

Биринчи тоифали шифокор Маҳфуза Фатхуллаеванинг иш бошлаганига оз эмас, кўп эмас 24 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида қанчадан-қанча беморларнинг дардига малҳам бўлмади, дейсиз.

Мана тўрт йилдирки, у Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигидаги даволаш масканининг ички касалликлар бўлимида фаолият кўрсатмоқда. Меҳнат қилиш билан бир қаторда ёш ҳакимларни тарбиялашда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Шу боис шогирдлари Ч. Ўрозбекова, Р. Есимова, Ф. Ўтебоева, М. Сиримова, К. Магзумовалар уни ҳурмат билан тилга олишади.

